

Мехмонов Кулдашали

Наманган давлат университети

Mehmonov Kuldashali

Namangan State University

Мехмонов Кулдашали

Наманганский государственный университет

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА АХОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Наманган вилоятида аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллар ва аҳоли саломатлигини яхшилаш муаммолари тадқиқ этилган. Шунингдек, нозогеографик шароитни яхшилашнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Наманган вилояти, аҳоли саломатлиги, нозогеографик шароит.

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОЗДОРОВЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация. В данной статье изучены факторы, влияющие на здоровье населения, и проблемы улучшения здоровья населения Наманганской области. Также рассмотрены перспективные направления улучшения нозогеографических условий.

Ключевые слова: Наманганская область, здравоохранение, нозогеографические условия.

PROBLEMS AND PROMISING AREAS OF IMPROVING THE HEALTH OF THE POPULATION OF THE NAMANGAN REGION.

Annotation. In this article, factors affecting public health and problems of improving public health in Namangan region are studied. Prospective directions for improving nosogeographical conditions were also considered.

Key words: Namangan region, public health, nosogeographic conditions.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари вилоятларда шу соҳа учун алоқадор бўлган мавжуд муаммолар ечимини талаб этади. Бундай муаммолар йорасида айниқса жойларнинг санитария-гигиена, экологик ҳолатини яхшилаш, аҳоли ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ географик масалалар етакчи аҳамият касб этади.

Ҳудуднинг нозогеографик шароити бевосита экотизимнинг турланиши макондаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва атроф-муҳитга техноген таъсирнинг даражаси билан бевосита боғлиқ. Инсон яшаш муҳитининг ўзгара бориши ва унинг оқибатида нозогеографик шароитнинг турланиб бориши минтақаларда аҳоли саломатлигига таъсир этувчи табиий ва ижтимоий омилларнинг уйғунлашувига олиб келмоқда. Ушбу ўзига хос боғлиқликдаги таъсирнинг янада ижтимоийлашиб бориш жараёни табиий ҳол бўлиб, асосан инсон яшаш муҳитининг ижтимоий ва экологик жиҳатдан ўзгариб бораётганлиги билан изоҳланади.

Наманган вилоятининг нозогеографик ва экологик шароити узок муддат турғун ривожланиб, XX асрнинг 2-чорагидан техноген таъсир остида бирмунча ёмонлашди. Вилоятнинг айна пайтдаги ижтимоий экологик ҳолати бир неча омиллар таъсирида шаклланган. Вужудга келган муаммоларнинг ечими масалага мажмуали ёндошувни, айрим ҳолларда бир-бирига зид бўлган амалиётларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб этади. Уларнинг амалга оширилиши маълум муаммоларни бартараф этиш имконини яратса, иккинчи томондан, ўз навбатида, амалий тадбиқ таъсирида юзага келган масалаларни ҳал этишни талаб этади. Вилоятнинг тоғ олди шароити ҳамда чучук сув манбалари минераллашув даражасининг юқорилиги аҳоли ўртасида нафас олиш ва ошқозон-ичак касалликларининг кенг тарқалишига олиб келган.

Минтақа нозогеографик вазиятини яхшилаш аҳоли саломатлигига таъсир этувчи масалаларни «юқоридан пастга» қараб эмас, балки, аксинча тартибда ҳал қилишини талаб этади. Вилоятда нозогеографик шароитнинг ёмонлашуви, энг аввало, минтақа миқёсидаги хўжалик фаолиятини ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Жумладан, қишлоқ хўжалигининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келган экологик муаммолар вилоятда кескин тус олган. Ўзбекистон ва қўшни республикаларда сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида юзага келган муаммолар вилоятда шаклланган нохуш нозогеографик вазиятнинг асосий сабабларидан биридир.

Наманган вилояти аҳолисининг аксарияти вилоятга сув берувчи дарёларни қирғоқ қисмида жойлашганлиги ҳам вилоят аҳолиси саломатлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бирига айланди. Илгари вилоятнинг Сирдарё ёқасида жойлашаганлиги унинг сув ресурслари билан юқори таъминланганлик даражасини белгилаган бўлса, ҳозирда ушбу ҳол маълум маънода регрессив хусусият касб этмоқда. Дарё оқимида сувнинг қишлоқ хўжалик ва маиший ташланмалар билан ифлосланиши унинг кимёвий ва бактериологик таркибини бузилишига олиб келган. Вилоятда марказий сув таъминотининг бевосита Сирдарё дарёсининг сувини тозалашнинг эски технологиясидан фойдаланилиши аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш сифатидаги асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Кейинги йилларда минтақа иқлимида ҳам қисман ўзгаришлар кузатилмоқда. Вилоятда аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллардан яна бири бу ҳудуд ижтимоий-иқтисодий муҳитидир. Наманган вилояти хўжалик тармоқлари ривожланганлик даражаси бўйича республикада ўрта поғоналарни эгаллайди. Вилоят ишлаб чиқариш соҳаларининг технологик ҳамда техник ҳолати мамлакатнинг аксар ҳудудлариникидан унчалик фарқ этмайди. Бу эса, ўз навбатида, эҳтиёжлар қондирилишини таъминлаш

борасидаги «зўриқиш» ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳияти учун ортиқча бўлган «демографик юк» нинг ортишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолатлар аҳоли ўртасида асаб, руҳий ҳамда улар билан бирга юзага келадиган касалликларнинг тобора кўпайиб боришига олиб келмоқда. Вилоят аҳолиси жойлашуви ва зичлигининг ўта юқорилиги эса баъзи юқумли касалликларнинг тез тарқалишига шароит яратади.

Умуман олганда, вилоят аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи қуйидаги гуруҳ омиллар мавжуд;

Ташқи омиллар;

- Атмосфера ҳавосини ифлосланиш муаммосининг чуқурлашиб бориши;
- асосий чучук чув манбаи Сирдарё экологик режимининг бузилиб бориши;

Ички омиллар;

- аҳоли сони ва зичлигининг ортиши натижасида «демографик» босимнинг ортиши;
- ер ости ва усти сувларининг истеъмолга яроқсизлиги ёки сифати пастлиги туфайли аҳолининг чучук сув билан таъминлаш муаммосининг мавжудлиги;
- вилоят ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг заиф ривожланаётганлиги;
- экологик инфраструктура ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва марказлашув жараёнининг кучайиши ҳамда чекка ҳудудларда замонавий тиббиёт ускуналарининг етишмаслиги.

Вилоятда аҳоли саломатлиги ва экологик вазиятни яхшилаш, энг аввало, ички имкониятларни ишга солиш билан боғлиқдир. Кўрсатиб ўтилган омилларнинг кўпчилиги минтақавий, бир нечта ҳамшироқчиларнинг биргаликдаги ҳаракатини талаб этади.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма ҳудудий таркибини такомиллаштириш ва ривожлантириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Жумладан, экологик инфратузилма тармоқланишни янада тараққий эттириш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида, кўриб ўтганимиздек, вилоят тиббий хизмат кўрсатиш географиясида айрим ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг асосий хусусияти шундаки, тизимда анча ижобий жиҳатлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, унинг ҳудудий марказлашуви кучайиб бормоқда. Қишлоқ жойларда янги типдаги хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилаётган бўлсада, умумий ва хусусий йўналишдаги хизмат, йирик тиббий марказларнинг аксари вилоят марказларига тўпланиб қолган. Қишлоқ туманларида эса умумий даволаш, дастлабки тиббий кўрик ва хизмат кўрсатиш енгил кўринишдаги касалликларни даволаш, маслаҳат поликлиник ва терапиявий йўналишдаги клиника ва муассасалар фаолият юритмоқда. Илгари мавжуд бўлмаган умумий даволаниш ҳамда айрим хусусий йўналишига эга бўлган шифохоналарнинг кўпчилиги қатор омиллар сабабли фаолияти тўхтатилмоқда. Ушбу ҳол маълум маънода вилоят аҳолисининг саломатлигига путур етказувчи омиллардан бирига айланиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, вилоятда геоэкологик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш масалалари учта босқич ва йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу йўналишларга вилоятда ижтимоий-иқтисодий, тиббий-экологик инфратузилмани яхшилаш, унинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш масалаларини қамраб олади. Улар:

- ❖ вилоят ижтимоий-иқтисодий тизими ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш;
- ❖ минтақа санитар-эпидемиологик ва тиббий – экологик мониторингини яхшилаш;

- ❖ вилоят тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришни назарда тутди.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий соҳаларини жадал ривожлантириш ҳозирги куннинг асосий масалаларидан саналади. Янги иш ўринлари яратиш орқали хўжалик тармоқларини ривожлантириш, сифатли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш маълум маънода ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, ўз навбатида, аҳолининг моддий масалалар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган касалликларини камайтириш имкониятини яратади.

Маълумки, доимий яшаш шароити ва моддий аҳолини яхшилаш билан боғлиқ масалаларнинг мураккаблиги ҳудуд ижтимоий масалаларини кескинлаштиради ва айни вақтда аҳолининг ривожланиши ҳамда саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Вилоят санитар-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш маиший чиқиндиларни ташлаш, сақлаш ҳамда уларни қайта ишлаш, яъни экологик инфратузилма механизмини янгича ташкил этиш билан боғлиқдир. Айниқса, грунт сувларининг ер бетига яқинлиги қаттиқ ва канализация чиқиндилари ташланадиган тизимни махсус жиҳозлаш, айниқса ёпиқ тизимли иншоотлар ҳолатига ўтиш тавсия этилади. Канализация чиқиндиларини (Наманган шаҳри, туман марказларида) ёпиқ трасса орқали бетонлаштирилган ҳавзага ташланишини ва уларда замонавий тозалаш иншоотларини барпо этиш ушбу масаланинг асосий жиҳатларидан ҳисобланади. Қаттиқ маиший чиқиндилар негизида саноат усулида иккиламчи материалларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш қишлоқ хўжалигида мелиоратив тизимни янгича ташкил этишни ҳам талаб қилади. Вилоятда грунт сувларининг ер бетига яқинлиги, айрим жойларда юзага чиқиши санитар-эпидемиологик зарарланиш ўчоқларини шакллантиради. Грунт

сувлари сатҳини пасайтириш, энг аввало, суғориш ҳамда коллектор-дренаж тизими фаолиятини яхшилаш билан чамбарчасдир. Хусусан, суғоришни кам сув талаб, масалан, томчилатиб суғориш каби тизимини жорий этиш сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга имкон яратса, иккинчидан, сув сатҳининг пасайиши тупроқнинг қайта шўрланиши, грунт сувининг маиший чиқиндилар билан зарарланишини олдини олади.

Вилоят аҳолисини чучук сув билан таъминлаш асосий масалалардан биридир. Ҳозирда вилоят аҳолисининг 70 фоиздан сал ортиқроғи сифатли ичимлик суви билан маълум даражада таминланган. Ушбу кўрсаткич Мингбулоқ, Поп, Норин каби туманларида ачинарли аҳволда. Масалан, вилоятнинг Ғарбий чеккасида жойлашган Поп туманида аҳолининг атиги 2/3 қисми ичимлик сувидан фойдаланади, холос. Ваҳоланки, ушбу туманнинг чўл билан чегарадошлиги сабабли зах сувлар ташланадиган ҳудудларнинг мавжудлиги оқар сувларнинг навбати эканлиги экологик вазиятни бошқа ҳудудларга нисбатан янада мураккаблаштиради.

Марказий таъминот тизими сувининг айрим ҳолларда меъёрларга жавоб бермаслиги ҳамда ер ости сувларининг истеъмолга яроқсизлиги аҳоли саломатлигига салбий таъсир этмоқда. Айириш тизими, ички секреция безлари ҳамда суюк-мушак бўғини, ҳаракатланиш тизимида туз ва тош йиғилиши бевосита ичимлик сувининг сифат кўрсаткичлари таъсирида юзага келган.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича вилоят нафас олиш аъзолари касалликларининг аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги бўйича республиканинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Бу ҳолат атмосферани ҳавосида ис-газ ва чанг-ғуборнинг кўплиги билан изоҳланади. Айниқса, респиратор аъзолар касалликлари Наманган шаҳрида юқори даражага эга. Дала майдонлари атрофида иқтисодий жиҳатдан фойдали ва ҳимоя вазифасини ўтовчи дарахтзорларни ташкил

этиш тавсия этилади. Грунт сувлари сатҳини пасайтириш борасидаги таклифларни амалга оширилиши кўкаламзорлаштириш ишларини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Маълумки, грунт сувлари ер бетига яқинлиги айрим кўп йиллик экинлар ривожланишини чегаралайди.

Вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш соҳалари тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш асосий масалалардан бирига айланиб бормоқда. Тиббий хизмат, айниқса малакали ҳамда сертармоқ хизмат турлари вилоятнинг марказида тўпланиб қолмоқда. Туман марказлари ва қишлоқ жойларидаги йирик тиббий хизмат кўрсатиш марказларининг айримлари аста-секинлик билан қисқартирилмоқда. Бир тарафдан қараганда ушбу ҳол табиий, яъни малакали кадрларнинг етишмаслиги ҳамда уларнинг йирик марказларга интилиши, эркин бозор иқтисодиёти шароитида марказ-периферия жараёнининг кучайиши билан тавфсифланади. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими ҳудудий ва тармоқ таркибини такомиллаштириш масалалари туманларда аҳолининг касалланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда олиб борилиши лозим.

Тиббий хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини яхшилашнинг кейинги йўналиши вилоят туманларида махсус тор йўналишдаги касалхона ва клиникаларни ташкил этишдан иборат. Ушбу даволаш масканлари айрим ҳолларда поликлиник йўналишга эга бўлиши лозим. Чунки, истеъмол суви билан боғлиқ касалликлар мажмуавий йўналишга эга бўлиб, ушбу марказларда аҳоли саломатлигини таҳлил ва ташҳис қилиш, уни қайта тиклаш ва назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг айириш ва эндокрин тизими касалликлари бошқаларига нисбатан кенг тарқалган туманларида урология, эндокринология, терапия марказлари фаолиятини яхшилаш ва яқин келажакда уларни махсус, ихтисослашган марказларга айлантириш таклиф этилади.

Тиббий хизмат кўрсатиш тизими ҳамда атроф–муҳит ва санитария–эпидемиологик ҳолатни назорат қилувчи муассасаларни замонавий технология, жиҳоз-ускуналар билан қуроллантириш долзарб масалалардан саналади. Чекка ҳудудларда аҳоли саломатлигини назорат қилиш (мониторинг) ҳамда тиклаш муассасаларининг кўпчилиги эски тиббий анжомлар билан қуроллантирилган. Айрим мураккаб касалликларни аниқлашга ёрдам берувчи жиҳозлар фақат вилоятнинг марказларида мавжуд, холос.

Вилоятда аҳоли саломатлигини яхшилаш кўпгина тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Ичимлик суви билан таъминланиш даражасини яхшилаш, аҳоли ижтимоий экологик маданиятини кўтариш, тиббий хизмат кўрсатиш, айниқса хусусий йўналишлар хизмати ҳудудий таркибини яхшилаш лозимдир. Санитария, ижтимоий инфратузилма ҳолатини яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш аҳоли ўртасида кўпаётган табиий, ижтимоий касалликларнинг камайишига олиб келади

Фойдаланилган адабиётлар

1. Асанов Р. Аҳоли географияси. Ўқув қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1978.-220 б.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-262 б.
3. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси.-Т.: Университет, 1997.-181 б.
4. Комилова Н.Қ., Солиев А.С. Тиббиёт географияси.-Т.: Истиклол, 2005.-162 с.
5. Кориев М. Р. и др. Namangan viloyati atmosfera havosining ifloslanishi //География: Природа и Общество. – 2021. – Т. 2. – №. 1.
6. Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекистана.-Т.: Узбекистан, 1983.-276 с.

7. Назаров М.И. Территориальная организация медицинского обслуживания населения в сельской местности (по примеру Наманганской области. Автореф. дисс. канд. геогр. наук.)-Т., 1996.-24 с.
8. Рафиқов А.А., Абирқулов Қ.Н. ва б. Экология. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2004.-141 б.
9. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар.-Т.: Фан, 1996.-110 б.
10. Солиев А., Комилова Н. Аҳоли саломатлигининг географик хусусиятлари ва нозогеографик вазият // ЎЗМУ хабарлари, №1, 2000.-Б.12-17.
11. Солиев А.С., Хамроев М.О., Комилова Н.Қ. Тиббиёт географиясининг баъзи бир масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, XVIII том.-Т., 1997.-Б. 77-79.
12. Soliyev A.S., Jumaxanov Sh.Z., Toshpo‘latov A.M. Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya [Darslik]. – Namangan: “MASHRAB” nashriyoti, 2024. – 408 b.
13. Erkudov V. et al. Physiological responses to wearing N95 face mask against dust: HRV study with local youngster males in Aral Sea region //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – Т. 575. – С. 05005.
14. Qoriyev M., Baxtiyorov R. Ozon qatlami, uning yemirilishi, salbiy oqibatleri va muhofaza qilish imkoniyatlari //Journal of Research and Innovation. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 25-31.
15. Qoriyev M., Olimjonova M., Odilxonov A. Namangan viloyat atmosfera havosining ifloslanib borishi va uni oldini olish imkoniyatlari //Journal of Experimental Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 19-26.